

Research Article

USING THE DESIGN METHOD IN COMPUTER SCIENCE LESSONS

N.A. Fayzullaeva

Teacher of informatics, school №29 of Bukhara city, Uzbekistan.

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11.35

Abstract

This article discusses the use of the design method in computer science lessons in school.

Key words: research technology, project method, independent work, theoretical knowledge, practical training, project activity.

Умумий ўрта таълим мактабларида педагогик жараён кечишининг муҳим шартларидан бири дарсларда замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш учун мўлжалланган ана шундай ўқитиш технологияларидан бири бу лойиҳа-тадқиқотчилик технологияси ҳисобланади.

Бугунги кунда мактаб информатика курсидаги асосий муаммолардан бири – бу ўқувчиларнинг информатикани ўрганишга билиш фаолиятини қандай фаоллаштиришдан иборатдир. Информатика дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш бу энг аввало ўқув материални мультимедиали ва интерактив кўринишда тақдим этишдир. Бундай ўқув материални қуйидаги кўринишлардан бири орқали тақдим этилиши мумкин: тақдимот (ўқув материални намойиш этиш, ўқувчиларга ўқув материалнинг энг муҳимларини мустақил ўрганишни тақдим этиш); компьютерли ўйин; ўқув материалнинг график намойиши; видео ва мультимедиа фильмлар.

Информатика дарсларида ўқувчилар фаолиятининг амалий йўналиши устивор ҳисобланади. “Ўқитиш-ўқиш” жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсирлашуви рўй беради. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчининг кўз ўнгида ҳақиқатни баён этувчи, ҳамма нарсани биладиган шахс сифатида гавдаланади. Аммо, билиш жараёни ва кашфиёт таълим бериш доирасида қолади. Чунки, ўқитувчининг хошишига боғлиқ бўлмаган ҳолда билимларни узатиш жараёнида ўқувчининг ишончи, мотивацияси, ҳаётининг концепцияси иштирок этади. Таълим олиш жараёнида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятининг энг кенг тарқалгани лойиҳа методи бўлиб ҳисобланади.

Мактаб информатика курсида лойиҳа методи ўқувчиларнинг фанга оид билимларини фаоллаштирувчи, ва чуқурлаштирувчи муаммоли ўқитишни ташкил этишга, ўз-ўзини ташкил этишга, тизимли ёндашишга, ўқувчиларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантиришга имкон беради. У ҳамма вақт ўқувчиларнинг мустақил фаолият юритишига, вақтнинг аниқ бир оралиғида улар томонидан бажариладиган индивидуал, жуфтли ва гуруҳли ишларга йўналтирилган. Лойиҳа методи ҳамма вақт бир томондан, турли хил ўқитиш методлари ва воситаларидан фойдаланишни, бошқа томондан эса фан, техника ва технологияларнинг турли соҳалари, шунингдек ижодий соҳада интеграллашган билим, кўникма ва малакаларни кўзда тутувчи қандайдир муаммони ҳал этади. Бу методдан фойдаланишда ўқув жараёни ижодий тус олади, ўқувчи эса эркин ва бирор бир аниқ мақсадга интилувчи бўлиб ҳисобланади. Лойиҳа устида ишлашда ҳар қандай мустақил иш, ўрганилмаган янги материални жалб этиш рағбатлантириладиган ижодий ишчи ҳолат устунлик қилади, инсон ижодий мустақиллигининг ўз-ўзидан ривожланиши ва унинг маънавий қадриятларини ёйиш учун имкониятлар яратилади. Умумий ўрта таълим мактабларида информатика

дарсларида ҳар қандай лойиҳа устида ишлаш уни бажаришнинг аниқ боққичларини ўз ичига олади.

Информатика дарсларида лойиҳа методини қўллаш ўқитувчи учун қийин масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалани ҳал этиш учун анъанавий дарсга лойиҳаловчилик фаолияти элементларини қўшиш йўли билан ўқитишнинг анъанавий ва шахсга йўналтирилган тизимларини бирлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни таъминлайди, гуруҳли билиш фаолияти вужудга келиши учун катта имконият яратади.

Ана шуларни эътиборга олинса, мактаб информатика дарсларида лойиҳа методидан фойдаланиш тизими қуйидагича : 1) дастлаб ўқувчиларга ҳамма нарсани билишга йўналтирилган назарий билимлар берилади; 2) сўнгра мазмуни ўқувчиларнинг информатика бўйича яқуний билим ва қўникмалари тизимига мос келадиган амалий машғулотга ўтилади; 3) шундан сўнг олинган билимларни ностандарт вазиятларда қўллашга йўналтирилган лойиҳалаш бажаришга ўтилади.

Юқори синфларда информатика ва бошқа фанлар ўқитувчилари раҳбарлигида предметлараро лойиҳаларни қараш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, у ўқувчиларда илмий билимлар тизимини, умумлашган билиш қўникмаларини шакллантиришга имкон беради. Бундай лойиҳалар мактаб информатика курсини ўқитишга лойиҳаловчилик фаолияти элементларини киритиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни беради. Уларни бажариш даражасини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради: лойиҳаловчилик фаолияти ўқувчининг турли даражали компьютерли тайёргарлик муаммосини ҳал этиш имконини беради. Ҳар бир ўқувчи ўз имконияти доирасида қўникма ва малакаларни ўзлаштириб, олади ва меҳнат қилади; ўтилган материални қайта тиклаш учун эмас, балки ўз билиминини мустақил кенгайтириш, уларни амалий қўллаш олиш, жамоада ишлай олиш учун қўйилган баҳо кейинги фаолият учун яхши рағбат бўлиб ҳисобланади; лойиҳа методи ўқувчи кучини унинг учун аҳамиятли бўлган натижаларга йўналтириб амалий фаолиятни янада қизиқарли шаклда ташкил этиш имконини беради.

References:

- Исмоилова М.Н., Султонова З.Ш. Таълим методларига қўйиладиган талаблар// Ученый XXI века. № 3-2 (38). 2018. С 84-88.
- Арашова Д., Исмоилова М.Н. Методика преподавания индивидуализация обучения в вузах// Теория и практика современной науки. №12(30). 2017. С
- Исмоилова М.Н., Максудов Ш. Роль телекоммуникационных технологий и спорта в развитии студентов//Теория и практика современной науки. №1(31). 2018. С